

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 20-iyul, shanba № 55 (15693)

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Navqiron avlod so'zi

### Меҳнат сурури

Юртимиз галлакорлари йиллик шартнома режасини бажарганлиги муносабати билан Президентимиз Ислам Каримовнинг йўлаган табриги, ҳар биримиз, айниқса, биз, деҳқон-фермерлар қалбига қувонч ва гурур бахш этди. Юртбошимиз табригидаги: «Жамики ноз-неъмат ва бойликларнинг бунёдкори бўлмиш деҳқон ва фермерларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ҳаётга муносабати, сиёсий савияси ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани бугун қўлга киритаётган улкан марраларимизнинг асосий шarti ва гарови бўлмоқда», деган сўзлар мен каби ёш фермерларда ўзимизга бўлган ишончни ошириб, келгусида бугунгидан-да юксак марраларни эгаллашга илҳомлантирди.

Бухоро туманидаги «Кунжиқалъа» ҚФЙ Новметан қишлоғида туғилганман. Шу қишлоқдаги 32-мактабни тугатиб, Бухоро қишлоқ хўжалиги коллежида агрофермерлик йўналишида таҳсил олганман. Бугун эса Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиалида таҳсил олаётман.

Олган билимларим ҳаётимда аниқ мақсадлар билан олға интилишимга сабаб бўлди. Истиклол туфайли биз, ёш фермерларга яратилаётган имкониятлар кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Қисқа фурсатда отам Шавкат Раҳимовдан ўрганганларим деҳқончилик ишларимда асқотди. 2002 йилда биз ташкил этган «Раҳим Шерхон» фермер хўжалиги ҳисобида бир гектар экин майдони, йигирма олти гектар яйлов бор эди. Ҳалол меҳнат ва тинимсиз ҳаракат туфайли бугунги кунда фермер хўжалигимиз экин майдонларини 120 гектарга кенгайттирдик. Фаллачилик учун анча қулай келган жорий йилги мавсумда давлатга шартнома режасида белгиланган 102 тонна ўрнига 113 тонна галла топширдик. Омборларимиз донга, қишлоқ аҳли дастурхони нонга тўлди. Гектарига олтимиш центнердан ҳосил топшириб, қирқ миллион сўмга яқин соф фойда кўрдик.

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида мен ҳам ташаббусни қўлдан бой бермаيمان. Фермер хўжалигимизнинг ўн гектар майдонини чорбоққа айлантирдим. У ерда етиштирилган олча, гилос, олма, шафтоли, ўрик, нок, узум элимиз дастурхонини тўлдирётганидан хурсандман. Бундан ташқари, паррандачилик тармоғимизда етиштирилаётган гўшт маҳсулотлари ва тухум бозорларимиз пештахталарига етказиб берилмоқда. Айни пайтда уч мингдан зиёд товукдан кунига икки минг дона тухум олинади. Фермер хўжалигимизнинг тармоғи қорамол ва асаларичилик билан кенгайди. Бу борада укам Шерхон Раҳимовнинг изланишлари барчамизни хурсанд этмоқда. Бир йилда ўртача юз миллион сўмдан ортиқ соф фойда олаётимиз. Жамoa хўжалигимизнинг ўн беш нафар аъзоси доимий иш билан банд. Кам таъминланган, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳолидан хабар олиб тураемиз.

Юртбошимиз биз, фермерларга катта ишонч билдирмоқда. Бундай юксак ишончни оқлаш учун фақатгина қишлоқ хўжалиги билан чекланиб қолмасдан, қишлоқ мулкдорлари сифатида ҳудудда ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ҳам ривожлантириш борасида амалий ишларни ҳам бошладим. Россия ва Хитойда ишлаб чиқарилган технологиялар асосида сутни қайта ишлаш қувватига эга корхона ташкил этиб, сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришни мақсад қилганман. Бундан ташқари, мева шарбатлари ишлаб чиқарадиган кичик цех очиш ниятидаман, тежамкор энергия асосида иситиладиган иссиқхона ташкил этишни режалаштирганман.

Шермат РАҲИМОВ,  
Бухоро туманидаги «Раҳим Шерхон»  
фермер хўжалиги раҳбари



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар

Mahalla va yoshlar

### Қувноқ дақиқалар

Термиз давлат университети қошидаги 2-академик лицейда кураш, шахмат, шашка ҳамда «Қувноқ эстафета» бўйича спорт мусобақалари ташкил этилди.

«Ёзни «Камолот» билан!» ва «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳалари доирасидаги ушбу тадбирда стационар ва кундузги оромгоҳларда дам олувчи болалар ва ўсмирлар ҳамда

оромгоҳларга жалб этилмаган «Байналмилал», «Гарм», «Ишчилар» маҳаллаларидаги ўғил-қизлар иштирок этди.

Ёшларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиш, турли оқимларга кириб кетишининг олдини олиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ўтказилган тадбирларда «Камолот»чилар, лицей ўқитувчилари, «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази аъзолари ҳамда маҳалла фаоллари қатнашди.

Ўтказилган мусобақалар сўнггида «Байналмилал» маҳалласи ёшлари соғлом турмуш тарзи талабларига қай даражада жавоб беришини исботлаб берган бўлса, «Ишчилар» маҳалласи ёшлари шахмат ва шашка бўйича етакчилиكنи қўлдан бермади. «Гарм» маҳалласи ёшлари эса чақон ва эпчилликларини «Қувноқ эстафета» мусобақасида кўрсатиб қўйди.

Феруза Жўраева,  
ЎзМУ талабаси

## Hududlardan mujdalar

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Чилонзор туманидаги 164-мактаб қошида ташкил этилган «Юлдузча» ёзги соғломлаштириш оромгоҳида «Театр ва кино — маънавият кўзгуси» мавзуида ижодий учрашув ўтказилди.

«Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида Ҳаракатнинг Чилонзор тумани кенгаши ҳамда «Ўзбекино» миллий агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими ҳамкорлигида амалга оширилган тadbирда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, «Шухрат» медали соҳиби, халқ таълими аълоҳиси Умида Абдуазимова, киноактриса ва режиссёр Зебо Наврўзова иштирок этди. Tadbирда Умида Абдуазимова оромгоҳ тарбияланувчиларига адабиётга кириб келиши, чоп этилган китобларида илгари сурган гоёлари ҳақида гапириб, болалар учун ёзган шеърларидан ўқиб берди. Зебо Наврўзова эса кино ва театр санъатининг машаққатли ва шарафли жиҳатлари ҳақида гапирди.

Оромгоҳ дам олувчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

\* \* \*

Ҳаракатнинг Учтепа тумани кенгаши «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида тумандаги «Боғишамол» маданият ва истироҳат боғида ногирон ва имконияти чекланган болалар учун «Мафтункор ранглар жилоси» мавзуида расмлар танловини ўтказди.

Унда қирқ нафар имконияти чекланган бола иштирок этди. Танлов якунида ғолиб ва фаол иштирокчиларга эсдалик совғалар, фахрий ёрлиқлар тақдим этилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

«Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳаси доирасида Самарқанд туманининг Оҳалик қишлоғида жойлашган «Алпомиш» оромгоҳида дам олаётган болалар учун вилоят «Камалак» болалар ташкилоти ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида концерт уюштирилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қайтаров ва бошқа санъаткорларнинг куй-қўшиқлари болаларга байрам қувончини бағишлади. Оромгоҳда сардорлар кенгаши фаоллари томонидан «Камалак» поезди» лойиҳаси ўтказилди. Унда иштирокчилар беш гуруҳга бўлиниб, савол-жавоб, шеърият, кўшиқ, рақс шартларида иқтидорларни кўрсатди.

# Энг яхшилар сараланади

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» республика танловини эълон қилди. Шу муносабат билан «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида матбуот анжумани ташкил этилди.

Танловнинг ўтган йилги босқичларида оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда таҳририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 550 нафар ёш журналист ўз ижодий ишлари билан қатнашган эди. Улар орасидан ўн беш нафар ёш журналист телевидение, радио, матбуот, фото ва интернет журналистикаси йўналишлари бўйича ғолиб деб топилган эди. Бу йил иккинчи бор ўтказилаётган ушбу танлов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агент-



ликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Анжуманда танловнинг ўтказилиш тартиби, баҳолаш мезони ва бошқа ўзгаришлар ҳақида журналистларга маълумот берилди. Жорий йил ҳамкор ташкилотлар сафи «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан яна биттага кўпайди.

— Танловда ўттиз ёшгача бўлган ёш журналистлар жорий йилнинг 1 январидан 20 октябрга оммавий ахборот воситаларида нашр этилган материалла-

ри, эшиттириш ва кўрсатувлари, фотосурат ва интернетда эълон қилинган материаллари билан қатнашиши мумкин, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Маъмур Баёнов. — Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларда ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш масалалари, ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар кенг очиб берилиши лозим.

Танлов иштирокчилари жорий йилда ҳам телевидение, радио, матбуот, фото ва интернет журналистикаси йўналишлари бўйича ўз

омадини синаб кўриши мумкин. Бу йил танлов икки босқичда эмас, балки бир босқичда ўтказилади. Ҳудудлардан тақдим этилаётган материаллар вилоятлардаги махсус экспертлар томонидан қабул қилиниб, республика босқичи, яъни «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашига юборилади. Танловга келиб тушган ижодий ишлар ҳайъат аъзолари томонидан муаллифнинг дунёқараши, фикрлаши, жалб эта олиш хусусияти, мавзунини танлаш ва уни очиб бериш маҳорати нечоғли акс этгани, уларнинг долзарб, тахлилий, танқидий мақолалари, кўрсатув ва фотосуратларига қараб баҳоланади.

Танлов ғолиблари Конституциямизнинг 21 йиллиги байрами арафасида тақдирланади.

Матбуот анжуманида келгусида танловга операторлик иши йўналишини кириштириш таклифи ҳам билдирилди. Мутахассислар ушбу йўналишни нафақат «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» республика танловига, балки «Олтин қалам» Миллий мукофоти доирасига ҳам тавсия этиш зарурлигини айтишди.

Tadbирда танлов ташкилотчилари ва масъул ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» муҳбири.**  
Сардор Муллажонова олган сурат

Harakatning tuman kengashlarida

## Ҳамжиҳатликда гап кўп

Феруз Ҳамроев «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ромитан тумани кенгашига раис этиб сайланганида ишнинг ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, яратувчанлик, ташаббускорлик, истисъод қирраларнинг кенгроқ намоён бўлиши учун турли лойиҳалар ташкил этишдан бошлади.

Бугун Ромитан туманида истиқомат қилаётган 124000 аҳолининг 74000 га яқинини ёшлар ташкил этади. Шундан йигирма мингдан ортиги «Камолот» ва «Камалак» аъзоси. 548 нафари уюшмаган ёшлардан иборат.

— Бугун кўплаб ёшлар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича мувожабат қилмоқда, — дейди Ҳаракатнинг Ромитан тумани кенгаши раиси Феруз Ҳамроев. — Уларнинг илм олиши, меҳнат қилиши, ўз қобилиятини рўйбага чиқариши учун барча имкониятлар етарли бўлса-да, муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, туман марказидан юз километр узоқда жойлашган Газли шаҳарчасида яшаётган ёшларга эътибор ва кўмак зарур. Улар замон талаблари даражасидаги имкониятлардан бироз йироқда. Уларнинг туман марказида ўтказиладиган турли байрам тadbирлари, кўрик-танловлари семинар-тренингларда иштирокларини таъминлаш ҳам манзил билан боғлиқ муаммоларга бориб тақалади. «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказининг компьютер са-

водхонлиги тўғрагини Газлига кўчирганимизни нафақат ёшлар, балки у ерлик кўп юртдошларимиз хурсандчилик билан кутиб олди. Бироқ ёшлар ташкилотининг имконияти етмаган шундай жиҳатлар ҳам борки, бу масалаларга туман Васийлик кенгашининг ёрдами ва кўмаги зарур. Ҳамжиҳатликда иш олиб борилса, ўйлайманки, туман ёшлари бахтиёр, ҳаёти янада барқарор бўлиб бораверади.

Ҳаракатнинг туман кенгаши қошида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказида мавжуд учта клубнинг биттаси Газлида бўлса, тикувчилик ҳамда пазандалик тўғраклари туман марказида жойлашган.

— Қишлоғимиз туман марказидан узоқ бўлса-да, тикувчилик тўғрагига қатнашман. Аввалига қишлоқ ёшларига қулайлик яратиш мақсадида тикувчилик тўғрагини қайсидир қишлоққа кўчирмоқчи бўлишди. Лекин ёшларнинг талаби ва истаги билан туман маркази энг қулай жой деб топилди. Ҳозир бу ерда 28 нафар аёл-қиз тикувчилик сирларини ўрганаяпти, — дейди тўғарақ аъзоси Дилноза Жалилова.

Одмигина, таъмирсиз хоналарда тўртта тикув машинаси билан қиз-жувонларга тикувчилик сабоғини ўргата бошлаган тўғарақ раҳбари Мамлакат Шариповнинг саъй-ҳаракатлари билан тўғарақ яна бир нечта замонавий тикув машиналарига эга бўлди. Хона таъмирланиб, жиҳозлар билан таъминланди. Марказга келган ёшлар тўқич,

элит пардалар, безакли-чокли ёстиқчалар, замонавий миллий либослар тиқиш, меbelларни қолиплаш, тиқиш-бичиш усталари бўлиб чиқишмоқда. Виктория Фатхуллаева, Феруза Шукурова каби тўғарақнинг собиқ аъзолари бугун хусусий тикувчилик цехларини ташкил этишган. Албатта, бу «Камолот»нинг ёшлар ҳаётидаги муносиб ҳиссасидир.

Пазандалик тўғараги ҳам анчагина эътиборга тушган. Бироқ пазанда қизлар клуб фаолиятини янада яхшилаш учун музлаткич, замонавий газпеч ва бошқа зарур ускуналар кераклигини билдиришди. Ўйлаймизки, келгусида ушбу муаммолар ўз ечимини топади.

Пазандалик тўғарагининг ибратли томонлари ҳам борки, бу ҳақда ҳам тўхталиш жоиз. Дилрабо Тошпўлатова раҳбарлик қилаётган мазкур тўғараққа 17 нафар ёш жалб қилинган бўлса, шундан тўрт нафари уюшмаган ёшдан иборат.

Дарҳақиқат, «Камолот»нинг бурчи ҳар бир ёш билан шуғулланиш, уларни назардан қочирмаслик, тарбияси оғир ёшларни соғлом ҳаётга қайтаришидир. Бу йўлда Ҳаракатнинг Ромитан тумани кенгаши ҳамда «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази бошланғич ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда изланмоқда. Ҳамжиҳатлик эса келажак пойдеворини мустаҳкамлайди.

**Лайло ХАЙИТОВА,**  
**«Turkiston» муҳбири**



# Аълочи болалар учун

Ўтган йили Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида «Камолот» ёшлар оромгоҳи фойдаланишга топширилган эди. Чимён қишлоғи ҳудудида қад ростлаган бундай кўркем масканни замонавий меҳмонхоналарга менгаш мумкин.



Республикаимизнинг турли вилоятларидан келган болажонлар учун «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳаси доирасида болалар оромгоҳи иш бошлади. Болалар оромгоҳининг дастлабки меҳмонлари гўзал табиат қўйнидаги сўлим оромгоҳда дам олишмоқда. Оромгоҳнинг очилиши тантанага айланиб кетди. Турли эртақ қаҳрамонлари, воқеаларга асосланган кўнгилочар тадбир йиғилганларга қувонч бағишлади. Маросимда Ватанимиз мадҳияси янгради. Оромгоҳ маъмурияти, меҳмонлар ва етакчилар, болажонлар иштирок этган тадбир оромгоҳ гулхани ёқилиши билан рамзий маънода ўз фаолиятини бошлади.

Оромгоҳда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан турли тадбирлар ташкил этилаётгани туфайли бу ер ёшларнинг, уларнинг издошлари бўлган «Камалак»чиларнинг сеvimли масканига айланиб улгурди. Марказий Кенгаш ташаббуси билан «Камалак» болалар

ташкilotининг фаоллари, вилоят кенгашлари сардорлари оромгоҳнинг илк меҳмонлари бўлишди.

— «Камолот» оромгоҳида дам олиш ёшлар ташкilotи атрофида бизни янада жипс-лаштирди, — дейди «Камалак» болалар ташкilotи сардорлар кенгаши сардори Илҳомжон Холматов. — Бу ерга республикаимизнинг барча вилоятларидан ўн тўрт нафар тенгдошимиз ҳам келган. Дам олувчилар билан биргалликда бу ерда турли кўнгилочар тадбирлар ташкил этил-япти. Вақтимиз мазмунли ўтаяпти. Оромгоҳда инглиз тили ва турли спорт тўғараклари бор. Бассейнда ҳар куни чўмиламиз. Футбол, волейбол майдончаларида тенгдошларимиз билан мусобақалар ташкил этиляпти. Гўзал табиат қўйнида танимиз чиникиб, мириқиб дам оляпмиз. «Камолот» ва «Камалак» ҳақида ташкил этилган семинар-тренинглардан ёшлар ташкilotининг мақсад ва вазифалари ҳақида етарли маълумот оляпмиз. Оромго-

ҳимизда «Камолот» FM радиоси ишлаб турибди. Унда хоҳлаган бола қатнашиши, ўзини намоён этиши мумкин.

Дарҳақиқат, оромгоҳда болажонлар учун барча маиший шароитлар муҳайё. Ётоқхоналар замонавий жиҳозланган, шинам, барча қулайликлар мавжуд. Яқинда таъмирдан чиққан оромгоҳда болажонлар учун ошхона ишлаб турибди. Ҳар бир бинода маънавий хоналари бўлиб, болалар учун бу ерда турли машғул-лотлар ўтказиб турилади. Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаларидан иборат етакчилар болажонларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун турли тадбирлар, кўнгилочар машғул-лотлар ташкил этишмоқда.

— «Камалак»чилар билан тур-

ли мавзуларда суҳбатлар, семинар-тренинглар ўтказаяпмиз, — дейди ТДШИ талабаси Жавоҳир Арслонов. — Ёшлар маънавиятига таҳдид солаётган иллатларга қарши иммунитетни шакллантиришда биз бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз, тарғибот ишларини тўғри ташкил этишимиз лозим. «Камалак»чилар бу ерда дам олиш билан бирга, қўллаб зарур маълумотлар, билимлар билан ҳам қайтишади.

Мактаб ўқувчиларига ёшлар ташкilotининг турли лойиҳалари мазмун-моҳиятини тушунтиришда аҳиллик айна мудоао бўлмоқда. Оромгоҳ дўстлик, бирдамлик масканига айланди.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,** «Turkiston» муҳбири

## Hududlardan mujdalar

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

**Қизилтепа туманидаги «Дўстлик» ҳамда «Нимкон» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида Ҳаракатнинг туман кенгаши навбатдаги — «Ёзни «Камолот» ва «Камалак» билан!» лойиҳасини ўтказди.**

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан «Биз — Ўзбекистон фарзандларимиз!» шиори остида ташкил этилган ушбу тадбирда ижодий ишлар танлови ҳамда спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Тадбирларда туман сардорлар кенгаши аъзолари ҳамда «Бугуннинг ёшлари» ташаббускор ёшлар клуби томонидан «Ўзбекистон — жаннатмакон ўлка» мавзуида расмлар танлови, «Ўйла, изла, топ!», «Ким эпчилу ким чаққон?», шахмат-шашка, стол тенниси бўйича ўйинлар, спорт мусобақалари ва семинар-тренинглар ташкил этилди. Бундай тадбирлар маҳалларда, мактаббодди оромгоҳларда ҳам давом этмоқда.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

**Хива туманидаги «Райҳон» болалар оромгоҳида «Бир кун» лойиҳаси ўтказилди.**

Тўрт йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур лойиҳа орқали меҳрга мушток ёшлар қалбига қувонч улашиш, уларнинг истейдод ва қобилиятларини юзага чиқариш мақсад қилинган. Лойиҳа доирасида шахмат, шашка, футбол, волейбол, «Кувноқлар ва зукколар» спорт мусобақалари, асфальтга расм чизиш танлови ташкил этилди.

Лойиҳа якунида концерт намойиш этилди. Унда ёш, истейдодли санъаткорлар куйқушиқлари, гўзал рақслари билан барчага қувонч улашди. Кечки гулхан ёқилиб, «Гулхан» кўшиғи остида лойиҳага якун ясалди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

**Вилоятда бўш иш ўринларини ташкил этиш, касаначиликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажақка пойдевор» танловининг вилоят босқичи ўтказилди.**

Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 51 нафар ёш ўз бизнес режалари билан қатнашди. Танлов сўнгида олти нафар бўлажақ тадбиркор республика босқичига йўланма олди.

# Қурувчилар билан ёнма-ён



Фаол меҳнат қилаётган «бунёдкор»чилар муносиб рағбатлантириб борилмоқда.

### ФОЙДАЛИ РЕЖАЛАР

Гулистон шаҳридаги 1-академик лицейда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажақка пойдевор» танловлари иштирокчилари учун кунлик ўқув семинари ташкил этилди.

Унда мазкур танловларнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган эллик нафар ўқувчи ўз бизнес режаси билан қатнашди. Улар банк ва солиқ мутахассислари ҳамда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази тренерлари томонидан олиб борилган семинар-тренингларда қатнашиб, тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб олишди.

Танлов сўнгида ўн икки нафар иштирокчига ҳудудий банклардан кредит олиш учун сертификат топширилди. Нодир Уроловнинг сутни қайта ишлаш, Достон Оқйигитовнинг чикиндиларни қайта ишлаш, Шаҳноза Маматқулованинг тикувчилик цехи, Азимжон Холовнинг жинси либослари тикиш бўйича бизнес лойиҳалари учун танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқи берилди.

**Элёр ЖЎРАЕВ,** «Камолот» ЁИХ Сирдарё вилояти кенгаши матбуот хизмати мутахассиси

**Сирдарёлик «бунёдкор»чилар қизғин иш устида. Биргина Оқолтин туманидан беш юз нафардан ортиқ ёшлар «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳига аъзо бўлиб, туманда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида қатнашапти.**

Улар туманда барпо этилаётган намунали уй-жойлар ҳамда мусиқа ва санъат мактаби қурилишида уста қурувчиларга ёрдамлашмоқда.

— «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳи «Камолот»нинг йирик ва давомий лойиҳаларидан ҳисобланади, — дейди Ҳаракатнинг Оқолтин тумани кенгаши раиси Нодир Мусаев. — Ушбу лойиҳа ёшлар орасида кенг оммаланиб бормоқда. Бу қишлоқ жойларда ўз самарасини бермоқда. Мазкур қурилиш объектларида меҳнат қилаётган ёшлар «Гулистон мадад қурилиш» фирмаси, туман ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ЁИХ



Оқолтин тумани кенгаши билан уч томонлама шартнома тузган. «Бунёдкор»га аъзо бўлганлар доимий иш билан таъминланган. Уларга ўртача 350-400 минг сўм ойлик маош берилмоқда.

Гулистон туманидаги «Зарбдор» маҳалла фуқаролар йиғинида ёш оилаларга мўлжаллаб қурилаётган уйларда Гулистон давлат университети талабаларидан иборат учта «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳи ишламоқда. Ҳар бир гуруҳга йигирмата талаба бирлашган. Улар «Намунали йўл қурилиши» масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузишган.

# Меҳр ва садоқат ифодаси

Шиор инсонларни, жамиятнинг барча аъзоларини муайян мақсад йўлида бирлаштиради, юксалиш сари одимлашида куч-қувват бағишлайди. Шиорнинг моҳияти шундаки, у ҳаракатсиз одамни ҳаракатга келтиради. Унинг кучи билан тарқоқлик барҳам топиб, бирлашган жамоа янада мустақамланади.

Яккасарой туманидаги 135-мактабда тарих фанидан дарс бериб юрган кезларим ўқувчилар билан туманда ўтказилаётган кўрик-танловда иштирок этадиган бўлдик. Жамоамизга шиор танладик: «Куч — билим ва тафаккурда!». Ўқувчиларга шиоримизни баралла айтишни, қалбдан қайта-қайта такрорлашни уқтирдим. Қарангки, танловда ғолибликни қўлга киритдик. Ўқувчиларнинг танлов шартларини бажаришда ўз билим ва тафаккурини таянган ҳис қилиб турдим. Шиор бизни ҳаракатга ундади, ягона мақсад йўлида бирлаштирди. Уша ўқувчилар билан ҳозир ҳам учрашиб тураемиз. Улар ҳаётлари давомида эришаётган муваффақиятлари ҳақида тўлқинланиб гапиришади. Ҳар қандай муаммони ҳал этишда ўз билим ва тафаккурини таянган ўша ўқувчиларимдан бири, Тошкент педиатрия-тиббий институтини талабаси Вазира Азимовага «Уша шиорни такрорлатавериб қийнаб юборганими эслайсизми?» десам, «Ушоз, ўшанда шиорни қалб-қалбимизга сингдириб олган эканмики, агар бирор кун китоб ўқимасам, ўзимни ўзим алдаётгандек бўлиб қоламан. Уша пайтда шиорни йигирмаўттиз мартадан такрорлаганимдан ҳозир хурсандман. Бизга шиорни бир хил овоз-

да такрор-такрор баралла айтишни ўргатганингизда «Бу фақат тадбирда ғолиб чиқиш учунгина керак, холос-ку, шунга шунча жон куйдириш шартми?» деб ўйлагандик. Мана, бугун ҳаётда шиорга таяниб ҳаракат қилишнинг аҳамиятини чуқур англаб етмоқдамиз», дея мамнун жилмаяди.

Дарҳақиқат, одамни фикр, оламни иш ўзгартиради. Ўзбекистонни ҳамжиҳатликдаги меҳнат, халқимизни — бош миллий ғоямиз — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият қуриш нияти юксалтирмақда, десак, янглишмаймиз. Бу ният, азму шиҳозат Президентимиз Ислоҳ Каримов кўтарган ғоя, фикр, ўртага ташлаган шиорларда сезилиб турибди. Улар миллатимизнинг шўролар музлатган фахр, ифтихор туйғуларини илтиб, уйғотди. Халқни яна бирлаштирди. Шиорлар бугун миллий ғоямизга, ундан амалий ишларимизга кўчиб, улғу вазифини бажармоқда. Миллатимизнинг кечаси, бугуни, эртасини кўрсатиб, Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат бонги бўлиб янграмоқда. Ҳар бир фуқарони даҳлдорликка, ҳаракатга чорламоқда.

Мана, йигирма икки йилдики, Ўзбекистон халқи мустақиллик байрамини кенг нишонлаб келмоқда. Албатта, байрам тантаналари ҳам ҳар

йили ўзига хос шиор билан ўтказилади. Президентимизнинг 2013 йил 12 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида жорий — 2013 йилда мустақиллик тантаналарини «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган шиор остида ўтказиш белгилаб олинди.

Шиорнинг ҳар сўзидан Ватаннинг иссиқ тафти уфурлади. Луғатларга мурожаат қилдиган бўлсак, бу сўзларнинг нақадар пурмаъно ва қимматли эканига амин бўлаемиз. Жумладан, қадр-қиммат — муайян қадрият, яъни бирор-бир нарса, воқеа, ҳодиса ёки бирор идеалнинг инсон ва жамият учун қадри ва ижтимоий аҳамиятини англатадиган тушунча. Яъни қадр (миқдор, ўлчов; даража, мартаба; тақдир, қисмат; қадрият) — жамиятда, кишилар ўртасида тугган ўрин, ўзгалар томонидан бўлган ҳурмат-эътибор, аҳамият, муҳимлик даражаси. Қиммат (бойлик, баҳо, қиймат, қиймати кўп нарса) — мўлжалдагидан нархи баланд. Демак, қадр-қимматим — бу баҳоси тенгсиз бўлган, мўлжалдагидан ҳам юқори бўлган қадриятим, дегани. Бу шундай тушунчаки, уни бир-икки оғиз сўз билан ифодалаш жуда қийин. Ҳатто бу сўзнинг бошқа тиллардаги муқобили ҳам айнан шу тушунча бера олмайдим. Бу ўзимизга — ўзбек халқига мос ва хос тушунча.

Таянч — нарсани кўтариб, унинг тик, барқарор туриши учун хизмат қиладиган восита, устун, тиргак, тирговуч. Асос бўлиб хизмат қиладиган, суяниладиган нарса. Қўллаб-қувватладиган кимса: ҳимоячи, ёрдамчи, ҳомий. Демак, таянчим сўзи Ватанга нисбат қилинмоқда: она юрт — ҳимоячимиз, ҳомийимиз, суянчиғимиздир.

Инсоннинг гавдасини тик тутиб туриши, мағрур юра олиши учун унга таянч керак. Агар одам организмда таянч вазири бериб берса, инсон фаол ҳаракат қилиши, тик тура олиши, умуман, яхши ҳаёт кечириши учун таянч ва суянч керак. Шу юртда яшаб турган халқнинг умумий таянчи ва суянчи мустақил Ўзбекистондир. Ҳар қандай масалада биз шу юртга суянишимиз, таянишимиз мумкин.

Ифтихор (фахрланиш, мақтаниш) — шон-шараф ҳисси; фахр. Шон-шараф келтирувчи, фахрланса арзийдиган кимса ёки нарса. Ифтихорим — сен билан ғурурланаман, дегани. Бугун биз мустақил Ўзбекистонимиз билан фахрланаяпмиз, ғурурланаяпмиз, мақтанаяпмиз, ўзбекистонликман, деб кўкрак кериб юрибмиз. Демак, мустақил Ўзбекистон бизнинг ғуруримиз, ифтихоримиз!

Мустақил (эркин, озод; тобе бўлмаган) — ихтиёри ўзида бўлган, ўзганинг ёрдамисиз ёки раҳбарлигисиз иш қилдиган, ўзича фикр юритадиган, яшай оладиган, ўзгалар иштирокисиз, таъсирисиз, ки-

шанлардан озод, бахтиёр ҳолатни англатади.

Шиорни тўлиғича таъриф-таъриф этадиган бўлсак, ундан қуйидаги маъно англашлари: Озод ва эркин, ҳеч кимга қарам бўлмаган мустақил Ўзбекистон, сен менинг энг тенгсиз, энг бебаҳо қадриятим, тенги йўқ бойлигим, ҳаётдаги суянчим, таянчим ва ҳимоячимсан, сенинг шон-шарафинг, боринг, фирдавсмонанд гўзаллигинг ва тинчлигинг билан фахрланаман!

Бу шиорни ҳар бир юртдошимиз қалбига жойлаб, ҳаяжону меҳр-ла такрорламоқда. Шунинг учун ҳам бу шиор Президент қарори матнида, кўчаларда — у ёзилган барча жойда ёқут олмосдек порлаб турибди. Кўрган кўзларни ёғдуси билан қамаштириб, эшитган қулоққа ором бахш этмоқда.

Бугун Ватанимиз буюклигини нафақат улғу аждодларимизнинг дунё илм-фани ва таракқиётга қўшган улкан ҳиссаси, балки ўтган қисқа давр мобайнида Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида ҳамжиҳатликда амалга оширган улкан бунёдкорлик ишлари ва қўлга киритган ютуқлари ҳам тасдиқламоқда. Қолаверса, кўпгина соҳалардаги муваффақиятларимизни жаҳон ҳамжамияти тан олаётгани фикримиз исботидир.

**Отабек БОЗОРОВ,**  
Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси

## Оромгоҳда 1 кун

Бола қувончига шерик бўлиш, унинг нигоҳидаги бахтиёрликни қўриш кишига қанчалар сурур бахш этади-я! Шу кунларда республикамиздаги қўпчилик болажонлар дам олиш оромгоҳларида мазза қилиб ҳордиқ чиқаришапти. Оромгоҳ, айниқса, тоғ кўйида жойлашган бўлса, о, нур устига нур. Тоза ва салқин ҳаво танга ҳузур бағишлайди. Бундай пайтда турли маданий тадбирларга эҳтиёж сезилади. Жиззахлик «Қамолот»чилар, албатта, бунинг ҳисобини олиб қўйган. Вилюятда жойлашган сўлим оромгоҳларга бориб, болажонлар кўнглини хушнуд этиб қайтишмоқда.

Яқинда Зомин туманининг пурвиқор тоғлари кўйида жойлашган вилюят ички ишлар бошқармасига қарашли Ёрулла Норбеков номидаги ҳамда 29-меҳрибонлик уйи тасарруфидаги «Лочин» болалар оромгоҳларида ана шундай маданий тадбир бўлиб ўтди. Унда Юнус Ражабий номидаги вилюят драма театрнинг актёр ва хонандалари куй-қўшиқ ва кизиқарли сахна асарлари билан иштирок этди. «Қамолот» сардорларидан иборат гуруҳ болаларга турли кизиқарли ўйинларни намойиш этди.

— Оромгоҳда беш на-

фар тарбиячи, яна шунча етакчимиз бор. Уларнинг кўпчилиги Жиззах давлат педагогика институтини амалиётчи талабалари дидир, — дейди Ё.Норбеков номидаги болалар дам олиш оромгоҳи директори Ҳайдарбек Эргашев. — Айни пайтда 185 нафар бола дам оляпти. Янгилик шуки, болалар бекор пайтлари инглиз тилини ўрганишига шароит яратилган. Инглиз тили тўғрисида Жавлон Саломов деган йигит раҳбар. Китоб муталаа қилишни хоҳлаганлар учун кутубхонамизда уч юздан зиёд китобларимиз бор. Хабар олгани келган

ота-оналар оромгоҳдаги шароитдан хурсанд бўлиб қайтишмоқда.

Жиззах политехника институтини қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Элбек Баракаев «Қамолот»нинг фаол сардорларидан. У ва шериклари оромгоҳларда пантомима ўйинини намойиш этиб, болажонлар оққошига сазовор бўлди. Ҳатто бундан олдин улар шу тоғлар бағрида жойлашган яна бир оромгоҳ — «Алоқачи»да ўн икки кун давомида болаларга ҳамроҳ бўлишди, бирга дам олишди. Улар билан турли ўйинлар, фестиваллар ташкил этишди.

— Жиззах шаҳридаги «Умид» мактабида ўқийман, — дейди ўзини Жаҳонгир деб таништирган бола. — Ёрулла Норбеков номидаги бу оромгоҳ менга жуда маъқул бўлди. Ҳамма шароит бор. Ўзимни жуда эркин-эркин ҳис қиламан. Синфдошларим — Жавоҳир, Иброҳим, Темурга ушбу оромгоҳ жуда ёқиб қолди. Айниқса, «Қамолот»чи акаларимиз тез-тез келиб, турли дастурлар ташкил қилган

ни бизга ёқпти. Кейинги йил ҳам келаман, деб ўйлаб турибман.

«Лочин» болалар оромгоҳида маданий тадбир ўзгача, қизғин тус олди. 29-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари бўлмиш 102 нафар бола тадбирнинг ҳақиқий иштирокчиларига айланди. Турли ўйинларда фаол иштирок этишди. Савол-жавобларда билимдон эканликларини кўрсатишди. Улар орасида «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи ғолиби, олти ёшли ёш расом Достон Бердиев ҳам бор.

— Кўриб турганингиздек, «Қамолот»чиларнинг келгандан болаларнинг боши осмонга етди, — дейди «Лочин» оромгоҳидаги бош етакчи Музаффар Уркенов. — Бизда иқтидорли болалар кўп. Арабулла Аҳмаджонов, Лида Карпова, Григорий Бакуменко каби ўқувчиларимиз бугунги маданий тадбирда фаол иштирок этди ва бошқа тенгдошларини ҳам фаолликка ундади. Юнус Ражабий



номидаги мусиқали ва драма театрнинг комик актёри Жасур Ҳазратқулов, шу театр хонандаси Дилшод Норматовнинг ижроси болаларимизни анча руҳлантирди, қувонтирди.

Барча оромгоҳларда мавсум тугагунча бундай тадбирлар давом этаверади. Болажонларнинг эса таассуротига таассурот қўшилаверади.

**Шоди ОТАМУРОД,**  
«Turkiston» муҳбири

# Оила — қалб гавҳари

Қайноқ фаслнинг қайноқ, ёруғ ва файзиёб оқшомларидан бирида теварак-атрофни «Ёр-ёр» садолари тутди. Нафақат ёшларнинг, кексаларнинг-да қалбларини ажиб туйғуларга чулғаб, титроққа солгувчи бу умрбоқий ўланнинг сеҳридан гулу райҳонлар ором олди, атиргуллар шоҳидаги чуғурчуқлар жўровоз бўлиб, бахт қўшиғини бирга қўйлади.

Ҳа, бу кун юртимиздаги миллионлаб оилалар сафи яна кўпаядиган, тўйлар тўйларга, алёрларга уланадиган бўлди. Наманган шаҳридаги «Парвоз» тантаналар мажмуасида 11 жуфт келин-куёвнинг никоҳ тўйлари миллий аъналаримизга мос тарзда, аҳиллик ва ташкилотчилик, меҳр-оқибат, кўтаринкилик руҳида ўтказилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили юртимиз бўйлаб «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоатчилиги билан бирлашма, «Меҳр нури» жамғармаси ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан «1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўй» лойиҳаси асосида бир-биридан мазмунли тўйлар бўлиб ўтганди. Обод турмуш йилида ҳам Давлат дастури доирасида «Ҳар бир вилоятда 50 та никоҳ ва суннат тўйлари» лойиҳаси асосида Наманган шаҳри ҳамда барча туманларда тўйлар ўтказилмоқда.

Одамзоднинг кадр-қиммати, бир-бирига меҳр-оқибати шаклландиғани оила кўрғони бугун халқимизнинг чин маънодаги гавҳарига, қадриятлар бешиғига айланиб қолди. Юртбошимиз Ислоҳ Каримов оиланинг ролига юксак баҳо бериб:

шунади», қабилда иш тутиб, лойиҳалар асосида фаолият юритиб, ҳатто давлат гранти ютиб олган шоввозлар — наманганлик тенгдошларингиз ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

## «КАМОЛОТ»ЧИЛАР ЛОЙИХАСИ

Жорий йилнинг 5 июлида вилоят «Ёшлар маркази»да хушхабар тарқалди: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг 2013 йил 29 майдаги 23-сонли қарорига асосан, 18 мартдан 22 апрелгача ўтказилган «Обод турмуш йили» Давлат дастури амалга оширишда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни давлат грантлари асосида қўллаб-қувватлашга йўналтирилган 1-танлов якуни натижаларига кўра, Парламент комиссияси томонидан марказнинг «Мустаҳкам оила — жамият тараққиётининг пойдевори» мавзуидаги лойиҳаси қолиб топилиб, 14 миллион сўм



диллик билан рўйбга чиқариш вазифаси турибди.

## ЎЙЛАНДИЛАР, ИЗЛАНДИЛАР...

Ҳа, марказ директори, вилоят ёшларининг етакчисидан тортиб, барча фаол «Камолот»чилар лойиҳа асосида ишга киришдилар. Ҳар қандай ишни бошлашдан аввал иккиланмишлар, мулоҳаза юритишлар рўй бериши бор гап. Ҳаммадан ҳар хил таклифлар, фикрлар, тавсиялар чиқди, энг асосийси, ёшларга хос уюшқоқлик, ташкилотчилик хислатларида собит туриш, орта чекиммаслик эди. Режалар тузилди: энг аввало, марказнинг моддий-техник имкониятларидан самарали фойдаланиш эди. Бинодаги катта зал, конференция зали ҳамда кўرғазмалар залидан, шунингдек, «Психологик маслаҳат маркази» учун ажратилган хона ва ундаги жиҳозлардан фойдаланишга келишиб олинди. Ўқув курсларига турмуш қуриш оstonасида турган 1200 нафар бўлажак келин-куёвни, 100 та муаммоли, нотинч ёш оилани, 5000 нафардан зиёд академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини жалб этиш кўзда тутилди.



«Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият муҳассам. Чунки оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор», дея таъкидлаган эди.

Эркин ва обод диёримизга тўйлар ярашади, мустаҳкам оилалар эса жамиятимизнинг пойдевори, юртимиз тараққиётининг асоси бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, мустаҳкам оилани дунёқараши ҳар томонлама теран, ҳуқуқий ва диний, дунёвий билимлар билан «қуролланган», никоҳни муқаддас дея улуғлайдиган йигит-қизлар куради. Ҳар икки томоннинг ихтиёрли розилиги, тенг ҳуқуқчилик, ўзаро ҳурмат ва муҳаббат асосида бир умрга тузиладиган эркин иттифоқ — оила тузмоқча бугун ёшларимиз тайёрми? Бу борада уларга энг яқин маслаҳатгўйлар, кўмакчилар бисёр, бироқ бу сафар юқоридаги саволга жавобни «қуш тилини қуш ту-

миқдорида давлат грантини ютиб олди. Одатда, бундай ютуқлар ўз-ўзидан келмайди, унинг замирида изланишлар, интилишлар ва машаққатли меҳнат ётади.

— Ҳақ гап, — дейди бу мулоҳазамазми тинглагач, «Ёшлар маркази»нинг директори Шербек Усмонов. — Мазкур лойиҳа ёш оилаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш, оиланинг муқаддаслигини ёшлар онгига сингдириш, ёш оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила кураётган йигит-қизларнинг оилавий ҳаётга руҳий, ҳуқуқий, тиббий ва диний жиҳатдан тайёргарлигини янада ошириш, янгица ижтимоий муносабатларга киришишларида ҳамда жамиятда ажримлар сонини камайитириш, қариндош-уруғлар ўртасида тузилаётган никоҳларга барҳам бериш ва ногирон фарзандлар туғилишининг олдини олиш сингари ўнлаб мақсадларни ўз ичига олган.

Мақсад аниқ, энди «Камолот»чилар олдига ушбу хайрли юмушларни шижоат ва да-

Ж.Нодировнинг юқоридаги маълумотини Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлимида ўтказилган семинар мисолида ҳам ифодаласа бўлади. Мазкур тадбир ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказилди ва унда кенгаш раиси соғлом турмуш тарзи мавзуида маъруза қилиб, «Камолот»чилар томонидан тайёрланган, қизларни эрта турмушга узатишнинг салбий оқибатлари акс эттирилган видеороликлар намойиш этилганди. Бу ҳам лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар давомидир.

Ана шу мавзу ҳар ойда икки мартадан ҳамкор ташкилотлар билан академик лицейларда, касб-хунар коллежларида семинар-тренинг, давра суҳбатлари тарзида уюштирилиб турилди. Бу борада слайдлар, ўқув қўлланмалари, тарқатма материаллар, видеороликлардан унумли фойдаланилди, таълим тизимининг юксак ютуқлари ва услублари қўлланилди. Иштироки йигит-қизларнинг эркин фикрлашига, индивидуал тарзда ўз салоҳиятларини намоеён этишлариға имконият берилди.

— Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида дўстлик ва ҳимжихатликни ривожлантириш, истеъдодли йигит-қизларни марказдаги тўғаракларга жалб этиш мақсади ҳаммасидан муҳимроқ эди, — дейди «Ёшлар маркази» ходими Ҳожиакбар Паттатов. — Бу соҳада марказимизда кўплаб ижобий ишлар қилинади, жумладан, маънавий-маърифий, ижтимоий, ҳуқуқий, спорт ва соғломлаштириш, адабиёт ва санъат йўналишларида 250 дан зиёд тадбирлар ташкил этилди. Айниқса, марказ қошидаги «Психологик маслаҳат маркази» томонидан лицейларда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган ўндан ортик давра суҳбати, касб-хунар коллежларида ўз жониға қасд қилишнинг олдини олишга қаратилган иккита давра суҳбати, тиббиёт муассасалари иштирокида тўртта семинар-тренинг, олий ўқув юртларида «Соғлом оила — жамият тараққиёти пойдевори», «Мустаҳкам оила — келажак пойдеворининг асоси» мавзуида давра суҳбатлари, мактабларнинг ўқувчи қизлари ўртасида «Балоғат ёшидаги

қизларда репродуктив саломатлик кўникмаларини шакллантириш» мавзуида учта семинар-тренинг уюштирилди.

Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, бугун вилоятда эрта турмуш қуришнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари етарли даражада ташкил этилаётганиға қарамай, Наманган республикамикизда қизларнинг эрта турмушга чиқиши масаласида олдинги ўринларда туради. Ёшларда репродуктив саломатлик кўникмалари етарли даражада шаклланмагани, фарзанд кўришга тайёр бўлмасдан туриб оила қуриш оқибатида илк фарзанднинг нобуд бўлиши, баъзида қариндош-уруғлар ўртасида тузилган никоҳ туфайли ногирон болаларнинг дунёға келиши сингари айрим салбий ҳолатлар ҳам учрамоқда. Статистик маълумотларға кўра, жорий йилнинг биринчи чорағида вилоят бўйича ажралишлар сони саксонтаға етган.

Ана шу каби оғриқли маълумотлар Наманган туманидаги Ирводон иқтисодиёт касб-хунар коллежида ўтказилган давра суҳбатида ҳам атрофлича, ҳаётий мисоллар орқали таҳлил этилди. Тадбирда ёшлар қизғин баҳс-мунозараға киришдилар, оила ва у билан боғлиқ масалалар юзасидан ўз қарашларини ифода этишди, бу жараёнда янги педагогик технологиялар, интерфаол услублар орқали мулоқотлар мазмунли тус олди. Марказнинг Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси, Наманган шаҳридаги 1-сонли ФХДЭ бўлими, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари билан ҳамкорликда Наманган давлат университети, саноат касб-хунар коллежи ва бошқа бир қатор туманларда ўтказган тадбирлари ҳам лойиҳа доирасидаги вазифаларни муваффақиятли амалга оширишни таъминлади.

— Ушбу лойиҳа доирасида режалаштирилган ишларимиз йил бўйи давом этади, — деди суҳбатимиз якунида Шербек Усмонов. — Давлат гранти олганимиз чегара эмас, биз яна янги лойиҳалар устида ишлашни кўзла-япмиз. Зеро, ёшлиқ — шижоат ва ташаббускорлик уйғунлашган фасл, у юрағида юрт ишқи ёнган йигит-қизларни изланишга ва фақат изланишга чорлайди.

Дилбар АСҚАРОВА, «Turkiston» муҳбири

# Ёғочда акс этган туйғулар

Бугуннинг qahramonlari

**Музаффар Одамбоев дастлабки жиддий ишини ўн ёшида бажарган эди. Ҳали бола бўла туриб мустақил равишда лавҳ ясагани ва бунинг учун отасидан мақтов эшитгани ҳаётидаги энг ёрқин хотирага айланган.**

Ҳозир хивалик ёш уста-хунарманднинг доврғи бутун республикага ёйилган. У «Ташаббус» республика кўрик-танлови совриндори, юртимизда ўтказиб келинаётган қатор нуфузли танлов ва кўргазмаларнинг иштирокчиси.

Музаффар Одамбоев ёғоч ўймакорлиги санъатининг Хоразм мактаби анъаналарини давом эттириб келмоқда. Шунинг ўзи тенгдошимизга ҳурмат билдиришга арзийди. Миллий хунармандчиликнинг ушбу нозик турини у отаси — катта уста Баҳром Одамбоевдан ўрганди. Хивадаги Ичанқалъа мажмуасида Музаффарнинг ўз устахонаси бор. Бу ерда ўн икки нафар шогирди билан бирга ишлайди.

— Аслида, хунар эгаллаш осон эмас, — дейди Музаффар Одамбоев. — Ёғоч ўймакорлиги ўзининг бой тарихи ва анъаналарига эга. Қолаверса, ўз моҳиятига кўра, хунарнинг бу тури анча мураккаб саналади. Масалан, сақкиз киши бўлиб битта устунни 20-25 кун деганда ясаб тугатамиз. Баъзан ёғоч юзасида, хатто кичкинагина нақш элементини чиқариш

учун кунлар давомида уринишингизга тўғри келади. Менга шогирд тушиш истагида бўлган ёшлар талайгина. Лекин ҳаммасининг ҳам бу йўлни давом эттиришга сабр-қаноати ва кучи етади, деб айтолмайман. Ёғоч ўймакорлиги нақш чизишдан бошланади. Янги келган ҳар бир шогирд аввалига турфа хил ва мураккабликдаги нақшларни қоғозга беҳато туширишни ўрганмоғи керак. Бу эса, кишидан эстетик дид, тасвирий санъатнинг графика йўналиши ҳамда чизмачилик ва математикага оид билимларни талаб қилади. Математикани тилга олганим бежиз эмас. Масалан, лавҳнинг тузилишига эътибор берганмисиз? Кўринишидан оддий бўлиб туюлган ушбу буюм ниҳоятда мураккаб тузилишга эга. Энг қизиги, лавҳни ясашда бирорта мих ишлатилмайди. Мазкур технология хозирга қадар ўзгаришсиз сақланиб қолмоқда. Барча иш ўта юқори математик аниқликда бажарилади. Ҳатто бир миллиметрга ҳам адашиш мумкин эмас. Ана шундай нарсаларни ўйлаб топган ота-боболаримизнинг ақлу за-

ковати ва маҳоратига қойил қолмай бўладими, ахир?! Буни, айниқса, юртимизга келувчи минглаб хорижий сайёҳлар эътироф этаётганидан мамнунман. Улар биздан кўпроқ лавҳ ясашимизни сўрашади. Шундай дамларда қўлимиздаги хунар ўлмас ҳамда абадий эканига ва бундан кейин неча-неча замону авлодлар ўтса ҳам, бу хунар халқимизнинг бой маданияти ва миллий қадриятлари-мизни дунё узра тараннум этишга хизмат қилишига амин бўласан, киши.

Музаффар Одамбоев жуда меҳнатсевар. Ҳарқалай, бу барча хунарманд кишиларга хос умумий фазилатдир. Ёғоч ўймакорлигида энгил услублар ва осон йўллар йўқ. Ҳар бир иш санъат асарига тенг. Шу туфайли уста унга бутун борлигини бағишлайди.

— Қандай буюмни ясамоқчи бўлманг, аввало, қўл остингиздаги хомашё талаб даражасида бўлиши керак, — дейди суҳбатдошимиз. — Биз, асосан, қайрағоч ва ёғок дарахтларидан фойдаланамиз (бу дарахт-

ларнинг танаси анча пишиқ ва бақувват). Улар ичидан танаси текис, бирор нуқсонга эга бўлмаганлари танлаб олинади ва йиллар давомида қуритилади. Шу вақт мобайнида айрим дарахтларнинг танасида ёриқлар пайдо бўлиши мумкин. Табиийки, бу материал ишимиз учун яроқсиз ҳисобланади. Чунки нақш ўйилаётганда ёғочга бир неча юз маротаба тиф урилади. Ёғоч бундай синовларга дош бериши керак.

**— Ҳар бир давр санъатга ўз талабларини қўяди. Шу маънода ёғоч ўймакорлигида ҳам янги тенденциялар кузатиляптими?**

— Ёғоч ўймакорлиги анъанавий хунармандликка мансуб бўлишига қарамай, бир жойда қотиб қолгани йўқ, албатта. Масалан, сўнгги йилларда нақш (орнамент)ларда маълум ўзгаришлар юз берди. Ҳозир улар бирмунча кичрайган. Чунки шунга талаб бор. Илгари эса, усталаримиз,

асосан, йирик нақшлардан фойдаланишарди. Яна бир эътиборли жиҳат. Авваллари биз буюмга лок суртмасдик. Бу Хоразм мактабига хос анъана ҳисобланган. Бугун вази-ят бошқачароқ. Эндиликда буюртмачилар, хусусан, хорижий сайёҳлар орасида кўпроқ локланган буюмларга талаб кучайган. Бундай буюмлар жозибадор кўриниб, эътиборни тез жалб этгани учун шундай бўлса керак.

Устахонада иш қизгин. Аксарияти мактаб ва коллеж ўқувчиларидан иборат шогирдлар жамоаси ўзларига топширилган вазифани кунт билан бажаришмоқда. Ким билади дейсиз, эртага улар устозлари Музаффар Одамбоевдан ҳам ўзиб, юртимиз ардоғидаги уста-хунарманд даражасига етишар. Қаҳрамонимизнинг ҳам нияти шундай.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## Ўқи, ўрган, спорт билан шуғуллан!

**Ҳозир илгаригидек тафовут йўқ: шаҳарда бўладими, қишлоқда бўладими, мактаблардаги шароитлар, имкониятлар бир-биридан қолишмайди. Шу боис қишлоқ мактаблари ҳам турли даражада яхши кўрсаткич ва натижаларга эришмоқда. Жиззах вилояти Зомин туманида жойлашган 5-мактаб ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.**

Мактаб ҳовлисининг тоза-озодалиги, бу ердаги ободонлаштириш ўқув муассасаси ҳақидаги дастлабки таассуротни беради одамга. Турли мевали ва манзарали дарахтлар, турли анвойи гуллар... Буларда мактаб жамоасининг меҳнати меҳр ва кунт билан мужассам топганлиги кўринади. Мактаб биносидеги асосий фойе талаб даражасида безатилган. Ҳар бир жиҳоз мавзу жиҳатидан ўз ўрнида тўғри танланган. «Устоз-шогирд», «Ўрган-ўрган» каби ўнлаб деворий лавҳалар олиб борилаётган ишларнинг натижасидир. Айниқса, турли даражадаги спорт мусобақаларидаги жараёнлар акс этган суратлар ҳам эътиборни тортади. Демак, спорт ишлари ҳам кўнгилдагидек.

— Эндиликда қишлоқ қизларининг ҳам мунтазам спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган, — дейди мактаб директори Худойёр Мирзабеков. — Бозоргул Маматова раҳбар-

лигида бадий гимнастика тўғараги фаолият кўрсатаяпти. Яқинда Обод турмуш йили ҳамда Жиззах вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил топганлигининг ўттиз йиллиги муносабати билан 1999-2000 йилларда туғилган ўқувчи қизлар ўртасида қўл тўпи бўйича республика миқёсида ўтказилган БЎСМ кубоги мусобақасида мактабимиз ўқувчилари фахрли иккинчи ўринни олишди. Бунда Малоҳат Аҳмедова, Шоҳсанам Тангинова, Соҳиба Мардова каби ўқувчиларимиз барчага намуна бўлишди. Ҳатто яхши ўйин кўрсатган Мукаррама Худойбердиевани вилоят терма жамоасига таклиф қилишди ҳам. Бундан ташқари, ўқувчимиз Маҳбуба Анорбоева энгил атлетика бўйича вилоят биринчилигида учинчи ўринни олиб қайтгани мактабимиз жамоасини фахрлантирди. Бу ютуқлар жисмоний тарбия ўқитувчилари — Шербўта Қўшбоқов, Шеркул Мухаммадиевнинг меҳнатлари самарасидир.

Ўқувчиларнинг бу муваффақиятлари мактаб маъмурияти томонидан муносиб рағбатланрилди. Апрель ойида 29 нафар аълочи ва илғор ўқувчи Самарқанд шаҳрига саёҳат қилди.

Мактабда бошланғич таълимга алоҳида эътибор қаратилган. Ўқувчиларга 24 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бериб келмоқда. Бошланғич синф хоналари барча кўргазмали қурооллар, жиҳозлар билан таъминланган. Ҳар бир дарс ноанъанавий, интерфаол усулларда олиб борилади. Туман миқёсида ўтказилган бошланғич синфлар ўртасидаги «Билимлар беллашуви»да тўртинчи синф ўқувчиларидан тўрт нафари фахрли ўринларни олиб қайтди. Устозлари Қундузой Мухаммадиева, Озода Қўшмаматова бу ютуқлардан жуда мамнун. Бундан ташқари, бошланғич синф ўқитувчиси Наргиза Қодирқулова «Йил ўқитувчиси» кўриктанловининг туман босқичида фахрли иккинчи ўринни олган...

Санайверсак, мактаб эришган ютуқлар жуда кўп. Мухими, қишлоқ мактаблари ҳам бугунги кунда кўп муваффақиятларга юз тутаётганлиги кишини қувонтиради.

**Шоди ОТАМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири

### Qishloq maktablarida

### Menga so'z bering

**Тинчлик-тотувликнинг кадр-қимматини, баҳосини бирор нарса билан ўлчаб бўлмайди. Айниқса, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган миллий, ирқий келишмовчилар ҳақида эшитганда, осудаликнинг беқиёс неъмат эканига дилдан такрор-такрор иқрор бўламиз.**

## Тотувликнинг ҳикмати

Миллатлараро тотувлик ҳар бир жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Миллий, диний бағрикенглик, ўзга элат вакилларининг турли байрамлари, эътиқод ва анъаналарини ҳурмат қилиш тотувликнинг асосий негизидир. Бугун ана шундай юксак инсоний тамойил асосида юртимизда бир юз ўлтиздан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, шод-хуррам умргузaronлик қиялпти. Бу аҳилликнинг ҳуқуқий мақоми Бош Қомусимизда мустаҳкамланган бўлса, маънавий илдизи халқимизнинг қадимдан қўшничилиқ муносабатларига адолат, инсонпарварлик билан ёндашганига тақалади.

Юртимизда яшаётган миллат ва элат вакилларининг миллий-маданый марказлари ташкил этилгани ҳам уларнинг қадриятларига ҳурмат-эътиборимиз тимсолидир. Қолаверса, халқимизнинг миллий ранг-баранглиги ҳар биримиз учун ғоятда муҳим, бебаҳо ўзига хосликдир. Бугун юртимизда камолга етаётган турли миллатга мансуб тенгдошларимиз ҳам юртимиз Қуролли Кучлари сафида йигитлик бурчини ўтаб, илм-фан, спорт беллашувларида Ватанимиз доврғини таратишга ҳисса қўшмоқда. Бизнинг ҳамжиҳатлигимизни нафақат Ўзбекистонимизнинг давлат манфаатлари, тараққиёти, балки юрагимизда унаётган миллатлараро тотувлик туйғуси ҳам мустаҳкамлаб турибди.

**Алишер ОРИПОВ,**  
Жиззах давлат педагогика институти магистри

# Бировнинг ҳақи... Буюрмади

Жиззах туманида яшовчи Ўткир Турғунбоев ва Обид Суюнов ҳали ёш йигитлар. Биламизки, ёш йигит-қизлар ўзининг келгуси ҳаётидаги улкан режалар, қўйингки, эзгу орзулар билан яшайди. Бунинг учун ўқиб-ўрганади, илм олади ё бирор хунарни эгаллаб, тинимсиз ҳаракат қила бошлайди. Эл-юрт олдида юзи шувут бўлишини ўзига ор деб биледи. Улар эса ўз касбига, бировнинг мулкига хиёнат қилиб, суд курсисиди ўтиришга мажбур бўлишди.

Ўтган ойнинг учинчи кунида жинойат ишлари бўйича Жиззах тумани судининг очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд Ўткир билан Обиднинг жинойат ишини кўриб чиқди.

Судланувчи Ў.Турғунбоев «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Жиззах вилояти филиалининг 2012 йил 9 августдаги буйруғи билан Учтепа почта алоқа тармоғи умумий бўлим бошлиғи вазифасига ишга олинади. У мансаб мавқеини суиистеъмол қилади. Жавобгарлигидаги обуна ва ноанъанавий хизматлардан

тушган 255229 сўм, ҳазинада мавжуд нақд пулдан 8860831 сўм, пенсия тўлови учун тўланиши лозим бўлган нақд пулдан 10202198 сўм, газета сотувидан тушган 211134 сўм, мадад пули учун қабул қилиб олинган 1000000 сўм — жами 20529392 сўм миқдордаги пул маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, у ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, мансаб сохтакорлигига йўл қўйган. Яъни 20529392 сўм пул маблағи ўзлаштирилганлигини яши-

риш мақсадида расмий ҳужжат ҳисобланган 2012 йил 1 январдан 2013 йил 1 мартга қадар бўлган касса кирим-чиқим ҳисоботларини сохташтирган. Ҳазинада 20529392 сўм нақд пул қолдиғи мавжуд бўлмаса-да, ҳисоботларга сохта маълумотлар киритган. Ушбу ҳисоботларни Учтепа почта алоқа тармоғи бухгалтериясига тақдим қилиб, давлат манфатларига жиддий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Судланувчи О.Суёнов ҳам Ўткирниқига ўхшаган жинойатни содир этди. У «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Жиззах вилояти филиали директорининг 2010 йил 2 июлдаги буйруғи билан Учтепа почта алоқа тармоғига қарашли Равот алоқа бўлими бошлиғи вазифасига ишга олинган. У жавобгарлигидаги аҳолидан йиғилган коммунал тўлов ва пенсия маблағларидан қабул қилинган нақд пулдан 703346 сўм, газета сотувидан тушган 432495 сўм, пенсия тўлови учун тўланиши лозим бўлган 8463822 сўм, жами 9599663 сўм миқдордаги пул мабла-

## Qonun barchaga barobar

ғини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. У ҳам пул маблағи ўзлаштирилганлигини яшириш мақсадида Ўткирга ўхшаб ҳужжатларни сохташтирган.

Суд Ў.Турғунбоевга жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини инобатга олди ва унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлади. О.Суёновга нисбатан эса зарар тўлиқ қопланмаганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо тайинлашни лозим топди.

Қинғир ишнинг оқибати барибир ёмонлик, нохушлик билан тугашини бу иккала навқирон йигит эндиликда тушуниб етаётгандир. Давлатимизнинг адолатли қонунлари уларнинг ножўя хатти-ҳаракатига чек қўйди. Ахир, давлатнинг, юрдошларимизнинг ҳақиқа хиёнат қилганларни халқимиз ҳам кечирмайди.

**Шоди ОТАМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**



## Энг қари тўти

Австралия ҳайвонот боғидан ўғирлаб кетилган тўтини полиция топди.

Какаду турига мансуб ушбу қушнинг ўзга тўтилардан фарқи шуки, у дунёда энг узоқ умр кўриш бўйича Гиннеснинг «Рекордлар» китобига кирган. Боббо лақабли жонивор (ўзбекча қилиб «Бобо» десак ҳам бўлади) қирқ йилдан буён Сидней ҳайвонот боғининг «Фахрий» аъзоси.

Полиция ўғриларнинг нима мақсадда 82 ёшли бу кекса қушни ўғирлаб, кейин қўйиб юборгани сабабини аниқлаганича йўқ. Ҳозирда қуш яна ўз «ошени»да.

## Омадли муҳлис

«Арсенал» клуби Вьетнам термаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказиб, автобусда Ҳаной кўчаларини айланди.

Шу пайт меҳмонлар автобус орқасидан шовқин солиб келаётган бир йигитни кўрди. Унинг клуб муҳлиси эканлигини билиш қийин эмасди. Маълум бўлишича, 20 ёшли муҳлис автобус ортидан нақ саккиз километр югурган. Айтишларича, у автобус ортидан югураётиб бир неча бор дарахт ва чироқ устунларига урилиб кетган. Автобусга чиқаётганда ҳаммаёғи моматалоқ бўлиб, кўкармаган жойи қолмаган эди. У билан клубнинг барча ўйинчилари бирма-бир, алоҳида расмга тушди. Шунингдек, клуб бу муҳлис билан бир неча шартномалар тузган. Қандай шартнома тузилгани ҳозирча ошкор этилмапти.

## Нафс балоси

Мексиканинг Веракрус штати қирғоқларидан нақ 250 дона скат (думи ингичка, япалоқ денгиз балиғи) мурдаси топилди.

Ҳукумат бир қанча балиқчиларга қарши жинойий иш кўзгатди. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, балиқчилар турни йиғиштириб олар экан, улар ичидан энг сара ва нархи қиммат балиқ зотларини олиб қолади. Скатлар йирик балиқ бўлгани сабабли тўрға тез илинади. Балиқчилар скатларни баъзан денгизда, баъзан қирғоқда тўрдан тўкиб ташлашади. Айрим балиқчилар эса, скатларнинг фақат қанотчаларини олишади. Боиси улардан ошхоналарда турли газаклар тайёрланади. Тахминларга кўра, эндиликда бу қирғоқдаги балиқ овига мутлақо тақиқ қўйилиши мумкин.

## Полиция номига НОЛОЙИҚ

Хитойнинг Хунань вилоятида маҳаллий полициячилар бозордаги жанжалда сотувчини уриб ўлдириб қўйди.

Маълумотларга қараганда, тарвуз сотувчининг лицензияси йўқлиги сабаб, саккиз нафар полиция ходими 56 ёшли сотувчи Дэн Чжэньцзя ва унинг аёлини махсус таёқлар билан ура кетган. Оқибатда, сотувчи ўлди ва воқеа жойида мархумнинг яқинлари томонидан кичик тартибсизлик юзага келди. Тиббий текширувлар тўғри бўлишига ишонмаган мархумнинг яқинлари Хитой ҳукумати жасадни олиб келиш учун юборган 200 нафар тартиб посбонига ҳам жасадни бермади. Тартибсизлик натижасида ўн киши оғир тан жароҳати олди. Ҳукумат қотил ва халққа қўл кўтарган полициячиларга жиддий чора кўрилишига ваъда берди.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМатов тайёрлади**

## Jarayon

# Ўринли фикрлар билдирилди

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлиги фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий омил сифатида» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Институтнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлинмаси, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг матбуот хизмати ходимлари иштирок этди.

Инсон манфаатларини таъминлашда оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ўз фикр ва тақлифларини айтадиган мулоқот майдони, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишда энг тезкор ҳамда фаол восита ҳисобланади. Жараёнларга ҳолис баҳо бериш, пайдо бўладиган муаммоларни таҳлил этиш, жамоатчилик фикрини шакллантиришда ахборот воситалари муҳим ўрин тутди.

Айни пайтда республикамызда ҳуқуқий экспериментдан ўтказилаёт-

ган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳалари бўйича тарғибот ишлари йўлга қўйилган бўлиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадида оммавий ахборот воситаларида туркум материаллар берилмоқда. Давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВ ролини кучайтириш фуқаролик жамияти шаклланишида янги даврни бошлаб берди. Эндиликда фуқаролар-

нинг маҳаллий бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни белгиланган муддатларда ва тўлиқ олиш ҳуқуқи кафолатланади. Жумладан, ОАВ вакилларининг бу жараёндаги иштироки, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари халқаро меъёрларга мос равишда мустаҳкамлаб қўйилган. Жамият аъзоларининг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва миллий кадриятларни асраб-авайлашда ахборот воситаларининг аҳамияти тўғрисида давра суҳбатида билдирилган фикрлар ҳар бир журналистни жойларда бўлаётган турли камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда объектив ёндашишга чорламоқда. Давра суҳбатида журналистларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва касбга доир масъулиятини янада ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

Ҳар лаҳза йиқилдим сенинг пойингда,  
Бедилман, ҳаллослаб кетаётган йўл.  
Бир маъно тополмай бўм-бўш макондан,  
Лошимни йиғмоққа узатаман қўл.

Тўлмоқлик истайман, ташнаман беҳад,  
Озорлар ичинда озурда кўнги.  
Нафсин боқаятган ёт кўчаларда,  
Ўзни топмоқлигим жудаям мушкул.

Кел, кечиб кетайлик хор кечалардан,  
Бас, етар, кўксимда мингта чаёнгул.  
Мен оқиб ўтаянман, мана, ёнингдан,  
Эй юрак, денгиз бўл, денгизга қўшил!

\*\*\*

Бетҳовен — муғаний, гўё бир дунё,  
Эшилиб, эшилиб, айтади розин.  
Музиқа осилган қулоқларимга,  
Алвон оҳларимга авжлайди созин.

Моцартга қўшилиб оқа бошлайман,  
Гўзал изтиробнинг ажиб бир саси.  
Юрагим остиди янграр дафъатан —  
Зангори жимлик серенадаси.

\*\*\*

Қуюнлашиб кетар оловранг кузак,  
Юрагимнинг оҳангларидай.

Ҳовучимга сиғмайди-ей, ёр,  
Сарғиш, сарғиш дилғамларим-ей.  
Қонмаяпти ташналик — саҳро,  
Ялангоёқ кўзнинг боласи,  
Йўлларимга чопқилаб чиқар,  
Яшилликнинг кекса беваси.  
Салом, куз!

Анча бўлди йиғламай қўйдим,  
Севибми ё севмай қўйдим.  
Куйсам, фақат қўйингда куйдим,  
Исминг нима, бевафо туйғу?

Бозор дунё, мен эса ёлғиз,  
Ялангоёқ кездим аёвсиз.  
Денгизларнинг кучоғида ҳам,  
Чанқаб айтдим мажнун исмингни.

Айро йўллар яқиндан яқин,  
Юрагимда идизлаб ётар.  
Хотиралар шафқатсиз чақин,  
Қирқ бир жоним қўлингга тутар.

Яшабми ё яшамай қўйдим...

\*\*\*

Жиловсиз вақт оти, кўпқари дунё,  
Бесамар жанглардан кўнглинг тўлмайди.

## Nafis tuyg'ular



Ҳар лаҳза хун қилар юрак, бағрингни,  
Ахир, ғафлатгоҳда яшаб бўлмайди.

Дилинг шовурини тошлар ҳис қилмас,  
Гарчи жисарингда ин кўрсалар ҳам.  
Ҳатто бир гардчалик вафо қилмайди,  
Яшил боғларингни еб бўлсалар ҳам.

Мана, яна бир йил видо айтмоқда,  
Алвидо, эски йил, алвон ҳисларим.  
Оптоқ сочингиздан узр сўрайман,  
Яшаб улгурмаган рангсиз изларим.

**МУСАЛЛАМБОНУ**



Hunar — zar

Tanishing, tengdosh!

Тенгдошимиз Гулноза Асранова-нинг тиниб-тинчимаслигини кўрган киши, шу қиз ҳеч дам оладими-йўқми, деб ўйлайди. Бу, албатта, мантиқли мулоҳаза. Зеро, ростдан ҳам Гулнозанинг бўш вақти кам. Бир қарасангиз, қўлида қайчи, қандайдир ажиб либос дизайни устида ишлаётган бўлса, яна бир қараганингизда, миллий кўғирчоқлар яшаш билан андармон кўрасиз. Боз устига, заргарликдан ҳам хабари бор тенгдошимизнинг.

Айни пайтда Гулноза пойтахти-мизнинг Чилонзор туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижоди-ёти марказида билганларини ука-сингилларига ўргатапти.

Суратда: ҳунарманд Гулноза (чапда) ўз ишларини кўрсатапти.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ  
фотолавҳаси

Diqqat: tanlov!

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТИ

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий теле-радиокомпания, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида жисмонан соғлом, маънавий етук, дунёқараши теран ва мустақил фикрлайдиган баркамол авлод этиб тарбиялаш, ёшларда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз менталитетига ёт бўлган турли иллатларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш, ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, улар орасидан иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» республика танловини ўтказилади.

Танловда республика оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда таҳририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган журналистлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда Презид

дентимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш масалалари, давлатимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилган имкониятлар, шарт-шароитлар кенг очиб берилган бўлиши даркор.

Танловга тақдим этиладиган материаллар 2013 йилнинг 1 ноябригача «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши (Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 11-уй)да қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- муаллифнинг паспорт нусхаси;
- таҳририят ёки ўқув юртидан берилган тавсиянома;
- 4х6 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;
- муаллифнинг боғлиқ телефонлари.

Танлов ғолиблари махсус диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

Танлов ғолибларига мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллик байрами арафасида топширилади.


Мурожаат учун телефонлар:  
170-90-27, 241-00-50

Хул мева	... аждод			Дарфна (усимлик)		Миррих (4-сайёра)		«Қун» акси
Давлат, Пойтахти Тошкент	Бахорнинг иккинчи ойи	Сув ва туپроқ қоришмаси	... дун, ғалла				Шахмат ҳолати	Мухаммад Шариф (Масал-навис)
	Туман			Япониядаги шаҳар		Банк номи		
Асал	Муסיкий нота	Аралаш ранг	Аму. Жайхун	Чўзилувчан конфет			"... кўр хол сур"	Забон
			Марино (Европа)			Ука (шевада)	Далда, тасали	
Курси	Клей (узбекча)	Пул бирлиги (хитой)	... бери	Нусха, қолип, намуна			Пачино (актёр)	Давлат, Пойтахти Бамако
... ва таклиф		Жўнат		Дав. Акция-дорлик компанияси (аббр.)		Эркин Воҳидов достони	Камар, қайиш	
			Газета тиражи				Кема қаноти	
Рақам, сон	Актёр ижроси					Самолёт русуми	Ёки (русча)	
			Дедал ўғли			Садриддин ... (адиб)		

Тузувчи: Фахриддин Рахимов

## «Камолот»чи, «заковат»чи, спортчи

Тенгдошимиз Давронбек Отабеков мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ инглиз тилига қизиқиб қолган. Бу қизиқишни у мақсадга айлантирди.



2009-2010 ўқув йилида пойтахтдаги давлат тил ўқитиш марказида ўн беш ёшгача болаларга интерфаол услубда инглиз тилидан сабоқ берди.

Давронбек Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейини тамомлаб, 2010 йилда Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент Халқаро

Вестминстер университети ҳамда Малайзиядаги Малайзия университетига кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, Халқаро инглиз тили тест тизими (IELTS)да 5,5 баллни қўлга киритди. Жаҳон иқтисодиётига қизиқиши уни Тошкент давлат шарқшунослик институтига етаклади.

Ҳозирда Давронбек институтнинг фаол талабаларидан, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш омилларига доир қатор илмий мақолалари матбуотда чоп этилмоқда. У «Камолот» ЁИХ факультет БТ етакчиси сифатида барча тadbир ва танловларнинг ҳам фаол иштирокчиси. Хоразмда бўлиб ўтган «Талабалар баҳори — 2013» талабалар фестивали доирасида ўтказилган «Заковат» интеллектуал ўйинида Тошкент терма жамоаси сардори сифатида қатнашди. Шунингдек, талабалар илмий-амалий конференциясининг «Ўзбекистонда экологик муҳитни яхшилаш» шўбасида илмий мақоласи билан иштирок этди.

Давронбек спортчи ҳам. У олти йилдан буён баскетбол билан шуғулланади. Қатор мусобақалар иштирокчиси. Ўтган йили «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан «Ҳаёт учун!» шиори остида ўтказилган марафонда 1-ўринни эгаллаган.

— 2006 — 2010 йиллар мобайнида «Заковат» интеллектуал ўйинида иштирок этдим, — дейди Давронбек Отабеков. — Бундан ташқари, спортга оид «Брейн ринг» интеллектуал ўйинида «Тим» жамоасига сардорлик қилдим. «Антиқа мантиқ» телевизион ўйинининг доимий иштирокчисиман. Рус, инглиз, ҳинд тилларини пухта ўрганганман. Мақсадим мамлакатимизнинг дунёдаги мавқеини янада юксалтиришга ўз ҳиссамни қўшишдир.

Орзулари томон дадил интилаётган Давронбек каби тенгдошларимизнинг борлиги юртимизнинг келажак буюклигидан далолатдир.

Гулираъно ОРИФЖОНОВА,  
ЎзМУ талабаси

YON DAFTARCHANGIZGA

Душманини фарқ этмаган  
Дўстлик қадрини билмас.

Ўзбек халқ мақоли

Turkiston

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам  
билан рўйхатдан  
ўтган.

ISSN 2010-6998



Бош муҳаррир:

Ашулов Салим Тўраевич

Таҳрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъл котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъл котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи

муҳаррир:

Умарова  
Наргиза  
Баҳодировна

Саҳифаловчи:

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонасида, А-3 форматда  
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-743.  
Адади — 8512

Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 21.20  
ЎЗА якуни — 21.20

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6